

ISSN: 2181-4031

# ФУНДАМЕНТАЛ

ТАДҚИҚОТЛАР ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛИ

2-СОН

ФЕВРАЛЬ, 2023



IMFAKTOR  
PAGES



ISSN: 2181-4031  
DOI Journal 10.56017/2181-4031

# ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, 2-СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-2

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-2

ТОШКЕНТ – 2023

# ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

№ 2 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4031-2023-2>

## Бош муҳаррир:

Тураев Б. – фалсафа фанлари доктори, профессор

## Масъул муҳаррир:

Расулова Д. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

## Таҳририят аъзолари:

Кенжабаев А. – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расулова Д. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Саттаров О. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Исҳоқов М. – тарих фанлари доктори, профессор

Абдуҳалимов Б. – тарих фанлари доктори, профессор

Каримов Б. – тарих фанлари номзоди, доцент

Мадумаров Т. – юридик фанлар доктори, профессор

Қодиров Б. – юридик фанлар доктори, доцент

Қиличев Х. – юридик фанлари бўйича фалсафа доктори

Баҳодиров Р. – фалсафа фанлари доктори, профессор

Саифназаров И. – фалсафа фанлари доктори, профессор

Идиоров У. – сиёсий фанлар доктори, профессор

Абдуллаев Н. – сиёсий фанлар номзоди, доцент

Сатторов А. – сиёсий фанлар номзоди, доцент

Умаров А. – социология фанлари доктори, профессор

Каюмов К. – социология фанлари бўйича фалсафа доктори

“Фундаментал тадқиқотлар” илмий-амалий журнали 2022 йил 22 декабрь куни **№ 054837**-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Мазкур журнал **6 та** халқаро маълумотлар базаларида индексланган бўлиб, жорий йил учун **UIF 2023 = 7.5 “импакт-фактор”** кўрсаткичига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг 2023 йил 24 июлдаги 01-02/1199-сонли хатига мувофиқ ушбу журналда чоп этилган мақолалар **хорижий мақолалар сифатида тан олинади.**

Саҳифаловчи\Page Maker\Верстка: Абдураҳмон Хасанов

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-уй. Почта индекси 100152. Веб-сайт: [www.imfaktor.uz/com](http://www.imfaktor.uz/com)

Телефон номер: +99894-410 11 55, E-mail: [tahririyat@imfaktor.uz](mailto:tahririyat@imfaktor.uz)

© “ИМФАКТОР Pages” илмий нашриёти, 2023 йил.

© Муаллифлар жамоаси, 2023 йил.

# ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

*Иқтисодиёт фанлари*

**РАХМАТОВ Алишер Азимович**

*Ўзбекистон республикаси Банк-молия академияси тингловчиси*

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7680336>

## ЎЗБЕКИСТОНДА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ЮЗАСИДАН АМАЛГА ОШИРИЛГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР

### АННОТАЦИЯ

Мақолада камбағаллик муаммолари, камбағалликни қисқартиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари ва йўналишлари, минимал истемол харажатлари, минимал истемол саватчаси ҳам кўриб чиқилади.

**Калит сўзлар:** Камбағаллик, аҳоли, камбағаллик даражаси, Қашшоқлик, истемол харажатлари, кам таъминланган, кам таъминланган.

### АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются проблемы бедности, организационно-экономические механизмы и направления сокращения бедности, минимальные потребительские расходы, минимальная потребительская корзина.

**Ключевые слова:** В статье рассматриваются проблемы бедности, организационно-экономические механизмы и направления сокращения бедности, минимальные потребительские расходы, минимальная потребительская корзина.

### ANNOTATION

The article examines the problems of poverty, organizational and economic mechanisms and directions of poverty reduction, minimum consumption costs, minimum consumption basket.

**Keywords:** Poverty, population, poverty level, Poverty, consumer spending, underprivileged

### Адабиётлар шарҳи

Д.Голди, Н.Бирдсол, А.Булатов, В.Панков, Й.Столярчук глобаллашув шароитида қашшоқлик муаммоси ва уни бартараф этиш йўлларини ўрганадилар [1].

Ғарб олимлари Торстейн Бунде Веблен (1857 – 1929), Джон Роджерс Коммонс (1862-1945), Уэсли Клер Митчелл (1874-1948), Гобсон Джон Аткинсон (1858–1940), Уилям Доналд Гамилтон (1936 –2000) лар таъкидлашича, ҳар бир муайян даврда бутун жамият ва унинг барча аъзоларининг энг муҳим моддий эҳтиёжлари, яъни ҳаётининг маконга ва табиий ресурсларга, ишлаб чиқариш воситаларига, истемолбоп неъматларга бўлган моддий эҳтиёжлари шу жамиятда мавжуд бўлган жами моддий-ашёвий бойлик билан қондирилади. Кишиларнинг табиий ва ишлаб чиқарилган моддий неъматлар билан умуман ҳамда аҳоли жон бошига таъминланганлиги, аҳоли моддий фаровонлигининг асосидир [2] дея таъкидлайди.

### Тадқиқот методологияси

Тадқиқот мавзуси Ўзбекистонда камбағалликни қисқартириш ва қашшоқликни бартараф этишга оид бўлганлиги сабабли шу мавзу доирасида тадқиқот олиб борган иқтисодчи-олимларнинг илмий ишлари о'рганилиб, уларнинг хусусиятлари, камбағалликни қисқартиришдаги ёндашувлари тадқиқ этилган ҳамда тизимли ёндашув методларидан фойдаланилган.

Камбағаллик дунё бўйича глобал муаммолардан бири ҳисобланади. Муҳокамага киришдан олдин камбағалликка қисқача тўхталиб ўтсак.

Камбағаллик – инсоннинг ҳаёти давомида танлов ва имкониятларга эга бўлмаслиги, жамиятда тўлақонли иштирок этиш учун тўсиқларнинг мавжудлиги, бундан ташқари, оиласини боқиши ва кийинтириши, таълим олиши ёки касалхонада даволаниши, бирор соҳада фаолият юритиши ёки даромад олишга имкон берадиган меҳнат билан таъминлаш имкониятлари етишмаслиги ҳамда кредит олиш имкониятининг чекланганлигида намоён бўлади. Шунингдек, камбағаллик – бу инсонлар, уй хўжаликлари ва жамоаларнинг ижтимоий жиҳатдан чегараланганлиги, хавф-хатарлар олдида чорасизлиги ҳамда ночорлиги саналади [3].

Унинг оқибатларидан азият чекадиган аҳоли қатламларининг турмуш даражасини ошириш ва ҳаётини барқарорлаштириш, зарурий шарт-шароитлар билан таъминлаш борасидаги ҳаракатлар дунё ҳамжамияти диққат марказидаги долзарб масалалардан бири бўлиб келмоқда. Халқаро миқёсида аҳолининг даромадларини ошириш бўйича бир қатор чора тadbирлар жадал суръатларда амалга оширилмоқда. Шу билан бир қаторда Ўзбекистон Республикасида ҳам аҳоли даромадларини ошириш ва камбағаллик даражасини қисқартириш бўйича амалий ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президент 2020 йил февраль ойида парламентга мурожаатида Ўзбекистон аҳолисининг 12-15 фоизи камбағал экани, уларнинг умумий сони 4,5-5 миллион нафарлигини таъкидлади [4].

Ўзбекистонда камбағаллик даражасини камайтиш мақсадида жуда катта салмоқли ишлар қилинмоқда. «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари» каби рўйхатлар Шу жумласидандир. Мазкур рўйхатга асосан қишлоқ ҳудудлари аҳолисининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига ижтимоий кўмак, субсидиялар ва кам фоизли кредитлар берилмоқда.

### Ўзбекистон Республикасида кам таъминланган аҳоли улуши ва камбағаллик даражаси кўрсаткичи [5]

Кўрсаткичлар номи	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021	2022
Кам таъминланган аҳоли улуши	15,0	14,1	13,3	12,8	12,3	11,9	11,4	11,0	11,5	---	---
Камбағаллик даражаси	--	--	--	--	--	--	--	--	--	17,0	14,0

#### \*Жадвалда Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотларидан фойдаланилди

Юқоридаги жадвалдан кўришимиз мумкинки кам таъминланганлар кўрсаткичи 2012-2020 йиллар оралиғида 15.0 фоиздан 11.5 фоизгача пасайган, камбағаллик даражаси эса 2021 йилда 17,0 фоизни, 2022 йилда эса бу кўрсаткич 14.0 фоизни ташкил қилмоқда [6].

2022 йилнинг январь-сентябр ойларида Ўзбекистонда ЯИМ ҳажми 627,5 трлн сўмни ташкил этиб, ушбу кўрсаткич 2021 йилнинг шу даври билан таққослаганда 5,8 фоизга ошган. Шунингдек, ЯИМда кичик ва ўрта бизнеснинг улуши 2022 йилнинг ноябрь ойи ҳолатига 52,8 фоизни ташкил этган.

Жаҳон амалиётида олимлар инсон камбағаллигини ўрганишда турли тушунча, ёндашув ва усуллардан фойдаланадилар. Энг кенг тарқалгани минимал истеъмол харажатлари ва минимал истеъмол саватчаси бўлиб, у инсоннинг минимал эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўлган маҳсулот ва хизматлар ро'йхатини улар оладиган даромад билан таққослайдилар. Қуйидаги таққослама таркиби кўрсаткичларнинг таркиби, маълумотларнинг шакилланиши, ҳисоблаш усули, киши ҳаёт кечириши учун заруруй энергиявий қийматнинг инobatга олиниши, амалиётда фойдаланиш каби босқичлардан иборат.

**Минимал истеъмол харажатлари, минимал истеъмол саватчаси ко'рсаткичларининг фарқи ва о'хшаш жиҳатлари [7]**

Кўрсаткич номи ва хусусиятлари	Минимал истеъмол харажатлари	Минимал истеъмол саватчаси
Кўрсаткичларнинг таркиби	Озиқ овқат маҳсулотлари ноозиқ овқат маҳсулотлари хизматлар	Озиқ овқат маҳсулотлари ноозиқ овқат маҳсулотлари хизматлар
Маълумотларнинг шаклланиши	Уй хо'жаликлари со'рови натижаларига асосланади  <i>(Энг кам харажатга эга бўлган аҳолининг истемолидан келиб чиқилади)</i>	Аҳолининг даромад ва харажатлари даражасидан қатъий назар ўртача бир киши учун зарур бўлган минимал тавар ва хизматлар шакиллантирилади
Ҳисоблаш усули	Аҳолининг реал истемол танлови ва таркибидан келиб чиқилади	Норматив-тавсиявий усулдан фойдаланилади
Киши ҳаёт кечириши учун заруруй энергиявий қийматнинг инobatга олиниши	Халқаро ташкилотлар томонидан бир киши учун заруруй энергия қиймати инobatга олинади	
Амалиётда фойдаланилиши	Миллий камбағаллик чегарасини белгилаш учун асос бўлади  Ижтимоий химоя ва ёрдам кўрсатиш дастурларида самарали мезон сифатида қўлланилиши мумкин	Норматив-тавсиявий усулдан фойдаланганлиги сабабли миллий камбағаллик чегараси сифатида белгилашда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий рувожланганлик даражаси тўлиқ инobatга олинмайди Шундан келиб чиқиб миллий камбағаллик мезони сифатида фойдаланиш имкониятлари чекланган

Юқоридаги жадивалдан келиб чиқиб минимал истеъмол харажатлари ва минимал истеъмол саватчасининг бир-биридан фарқланишини таҳлил қиладиган бўлсак: минимал истеъмол харажатлари уй хўжаликлари сўрови натижаларига асосланиб, аҳолининг реал истеъмол танлови ва таркибидан келиб чиққан ҳолда миллий камбағаллик чегарасини белгилаш учун асос бўлади. Минимал истеъмол саватчаси эса норматив-тавсиявий усулдан фойдаланган ҳолда аҳолининг даромад ва харажатлари даражасидан қатъий назар ўртача бир киши учун зарур бўлган минимал тавар ва хизматлар шакллантирилади.

Аммо норматив-тавсиявий усулдан фойдаланганлиги сабабли миллий камбағаллик чегараси сифатини белгилашда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий рувожланганлик даражаси тўлиқ инobatга олинмайди. Шундан келиб чиқиб миллий камбағаллик мезони сифатида фойдаланиб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021- йил 27- августдаги «Минимал истеъмол харажатлари қийматини ҳисоблаш тартибини амалиётга жорий этиш тўғрисида»ги 544-сон қарорига асосан 2021- йилда республиканинг барча худудларида ўтказилган кузатув натижалари асосида минимал истеъмол харажатлари қиймати ҳисобланди. Бунда, халқаро услубиятдан келиб чиқиб, минимал истеъмол харажатларни ҳисоблашда 10,6 минг уй хўжаликлари ўртасида сўровнома ўтказилди.

Мазкур сўровномада иштирок этган уй хўжаликлари харажатлари миқдори бўйича ўн та гуруҳга ажратилиб ушбу оилалар орасидан энг кам харажат (даромад)га эга бўлган 30 фоиз уй хўжаликлари ажратиб олинди. Сўровнома асосида мазкур уй хўжаликларида жон бошига кунлик истеъмол қилинадиган озиқ-овқат (2200 ккал) ва зарур бўлмаган озиқ-овқат товарлар ҳамда хизматлар учун минимал истеъмол харажатлар ҳисоблаб чиқилган ҳолда 440 минг сўм этиб белгиланди. Буни ҳисоблаш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади.

$$ЖИ_m = OX_m + \chi OX_m + XX_m \text{ [8].}$$

Давлат статистика қўмитаси 2022 йил учун ҳисобланган минимал истеъмол харажатлари миқдори эса ўтган йилга нисбатан 13,2 фоизга ошиб, бир ойда киши бошига 498 минг сўмни ташкил қилди. Яъни буни қисқача қилиб айтганда оилани кам таъминланган деб эътироф этишда қўлланиладиган ва жон бошига тўғри келадиган бир ойлик даромад меъзони минимал истеъмол харажатларига тенглаштирилди.

Статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, 2021 йилда ЯИМ ҳажми 734,6 триллион сўмни ташкил этди ва ўсиш 7,4 фоиз бўлди. 2020 йил бу кўрсаткич 580,2 триллион сўмни ташкил қилган эди. 2022 йилда ЯИМ ўсиши 888,3 трлн сўмни ташкил этиб, 2021 йил билан таққослаганда 5,7 фоизга ўсди [9]. Бунинг асосий сабаби бўлиб, иқтисодиёт тармоқлари ўсиш суръатларининг босқичма босқич такомиллашиб бориши, уй хўжаликлари якуний истеъмолининг ўсиши, асосий капиталга инвестициялар, шунингдек, ташқи савдо фаолиятини тикланиши асносида экспорт-импорт операциялари ҳажмининг ўсиши ҳисобланади.

Жаҳон тажрибасида минимал истеъмол харажатлари кўрсаткичидан камбағаллик чегараси сифатида фойдаланиш кенг тарқалган бўлиб, мазкур кўрсаткичдан:

- давлатнинг моддий ва бошқа ижтимоий кўмаклари муҳтож аҳолининг мақсадли (таргет) гуруҳини аниқлаш;
- мамлакат камбағаллик чегарасини белгилашда фойдаланиш ва бунда таргет гуруҳдаги аҳолининг реал истеъмол хусусиятлари ва талабларини инобатга олиш;
- камбағалликка қарши курашиш стратегияси ва дастурларида белгиланган вазифа ва чора-тадбирларнинг натижадорлиги ҳамда манзиллигини ошириш, шунингдек, уларнинг доимий мониторингини юритиш;
- пенсиялар ва нафақаларнинг энг кам миқдорини белгилаш, шунингдек, камбағал оилаларга бериладиган бошқа турдаги моддий кўмакларни кўрсатишда меъзон сифатида фойдаланилади.

Қашшоқлик ҳам бартараф этиш муаммоси назарий ва услубий асослашни талаб қилади. Бунда муаммони халқаро ва миллий миқёсда иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳал этишнинг ўзига хос хусусиятлари, ўзаро боғлиқлиги ва тажрибасини ҳисобга олиш муҳим ҳисобланади.

Қашшоқлик – инсоннинг ҳаёт кечириши учун зарур бўлган даромад ва ресурслар етишмаслиги, бундан ташқари, очлик ва тўйиб овқатланмаслик, соғлиқни сақлаш, таълим ёки бошқа асосий хизматлардан фойдаланишда чекловларнинг мавжудлиги, турар жойнинг йўқлиги, хавfli табиий ва техноген муҳитда ҳамда ижтимоий тенгсизлик шароитида яшашига нисбатан айтилади [10].

Бундай кўрсаткичларнинг асосий сабаби ҳудудлар кесимида иш ўринларининг етарли эмаслиги, ишсизлар ва ишлаб турган камбағалларнинг кўшимча даромадга эга эмаслиги, керакли калорияга эга бўлган озиқ-овқат маҳсулотларни харид қилишга қодир эмаслиги долзарб муаммолигича қолмоқда. Қашшоқликни бартараф этиш шакллари ва аҳоли олдидаги мавжуд тўсиқларининг салбий оқибатларини ҳамда бу жараёнларнинг иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаёт ривожига таъсирини ўрганишга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бунинг учун энг аввало меҳнат бозорини кенг қўламда ислоҳ қилишни талаб қилади.

Меҳнат бозорини ислоҳ қилиш қашшоқликни қисқартириш, инсон ресурсларини ривожлантириш ва гендер камситишларини бартараф этиб қашшоқлик даражасига тушиб қолган аҳолининг турмуш даражасини яхшилашга сезиларли ҳисса қўшади.

Шу билан бирга мамлакатнинг инсон ресурсларидан энг самарали фойдаланишига, иқтисодий фаровонлигини оширишга, ўсиш ва тараққиётни қўллаб-қувватлашга ёрдам беради.

Иқтисодий ўсишнинг инклюзивлигини таъминлаш, давлат бошқаруви органлари, нодавлат, ноижора ташкилотлари, жамоат ташкилотлари ҳамда халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари билан ҳамкорликда камбағалликни қисқартириш бўйича стратегия ва дастурларни ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва мувофиқлаштириш;

иқтисодий ўсишнинг инклюзивлигини таъминлаш, давлат бошқаруви органлари, нодавлат ноижора ташкилотлари, жамоат ташкилотлари ҳамда халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари билан ҳамкорликда камбағалликни қисқартириш бўйича стратегия ва дастурларни ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва мувофиқлаштириш;

- камбағалликни қисқартиришнинг аниқ дастак ва механизмларини ишлаб чиқиш, хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда камбағаллик даражасини аниқлаш мезонлари ва баҳолаш услубиятини, ижтимоий таъминотнинг минимал стандартлари ва меъёрий асосларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

- камбағалликни қисқартиришнинг аниқ дастак ва механизмларини ишлаб чиқиш, хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда камбағаллик даражасини аниқлаш мезонлари ва баҳолаш услубиятини, ижтимоий таъминотнинг минимал стандартлари ва меъёрий асосларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

- барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларга эришиш чоратadbирларини амалга ошириш, яшаш минимуми ва минимал истеъмол саватини ҳисоблаш методологиясини ишлаб чиқиш ҳамда аҳоли даромадлари табақалашувини ўрганиш бўйича тизимли ишларни олиб бориш ҳамда уларнинг давлат мақсадли дастурлари билан ўзаро мувофиқлигини таъминлаш.

## ИҚТИБОСЛАР

1. Алиев, Бекдавлат . "ҚУДРАТ ВА ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ"
2. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, vol. 2, no. 3, 2022, pp. 1171-1183.
3. S. Sadriev (2022). ENSURING THE EMPLOYMENT OF THE POPULATION AND GETTING OUT OF POVERTY THROUGH THE DEVELOPMENT OF SMALL BUSINESS. Science and innovation, 1 (A8), 519-521. doi: 10.5281/zenodo.7410235
4. (3. 10) БМТнинг «Ижтимоий ҳимоя борасида юқори даражадаги Бутунжаҳон саммити»дан.
5. Ўзбекистон Республикаси Президент Шавкат Мирзиёев 2020 йил февраль ойида парламентга мурожаатномасидан.
6. (5. 9) Жадвалларда Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси малумотларидан фойдаланилди
7. МАҚОЛА. РАХМАТОВ А.А. Аҳоли даромадларини ошириш ва камбағалликни кискартиришнинг асосий йўналишлари // Фундаментал тадқиқотлар. № 1 (2023) Б. 135-140.
8. Интернет малумотларидан фойдаланиб муаллиф томонидан тузилди
9. Вазирлар Маҳкамасининг 2021- йил 27- августдаги Минимал истеъмол харажатлари қийматини ҳисоблаш тартибини амалиётга жорий этиш тўғрисида”ги 544-сон қарори
10. БМТ Европа Иқтисодий комиссиясининг «Камбағалликни ўлчаш бўйича қўлланма»сидан, 2017 йил Нью-Ёрк, Женева.
11. Дамиржон Одилович Алимов (2022). ҚИШЛОҚ ҲУДУДЛАРИДА АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИ ҲОЛАТИ ВА ОШИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ
12. Academic research in educational sciences, TSAU (Conference ), 79-85.

ISSN: 2181-4031  
DOI Journal 10.56017/2181-4031

# ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, 2-СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-2

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-2

«Фундаментал тадқиқотлар» электрон журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054837-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «IMFAKTOR Pages» масъулияти чекланган жамияти.

Таҳририят манзили: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55

Эл. почта: [tahririyat@imfaktor.uz](mailto:tahririyat@imfaktor.uz)

Веб-сайт: [www.imfaktor.uz](http://www.imfaktor.uz)



**IMFAKTOR  
PAGES**